

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқ-боалиқлик асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечиблиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктура кескин ўзгариб, глобализация шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ҳамда ёндашув ҳамда тамойиллари ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳома маси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда кўйидаги нарсаларда тутадиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. Кўйидагилар: давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини тақомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимия-

тининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор макенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт этириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини тақомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рўхдаги ташки сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

3. Кўйидагилар: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия 2-иловага мувофиқ;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар 3-7-иловаларга мувофиқ тузилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади;

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

4. 2017 йил Ўзбекистон Республикасида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018-2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан биргалликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек, унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига тақдим этиб борилади.

9. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан очиб мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидан ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва говлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймасликка;

Давлат дастури доирасида ўткази-

лаётган тадбирларнинг очиқлиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштироки этишига.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб боришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазибаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғриватин-тўғриватин мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилиши;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрганишда кўмаклашини.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

□ Муқаддас бурч

Бўлажак ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муқаддас ҳарбий хизматга навбатдаги қақруви ҳамда белгиланган хизмат муқаддасларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ўтказилган маросимда мамлакатимизда осмонимиз мусофоллиги, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ҳамда техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилган, ҳарбий хизматга ёшларимизнинг қизиқиш

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида муқаддас ҳарбий хизматга қақрулган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар вакиллари, ҳарбий хизматчилар, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

ва интилиши тобора ортиб, Ватан ҳимояси бўлиш юксак шон-шараф ишига айлангани алоҳида таъкидланди.

Фарзандининг алпкелбат бўлиб ўлғайишини, Ватан ҳимояси бўлишини дилига тугмаган ота-она бўлмас керак, – дейди муқаддас ҳарбий хизматга қақрулган чинозлик Элдор Абдуллоҳовнинг онаси Лола опа.

Бугун қалбдаги энг эзу тилақларидан бири ушалаётган оналар қаторида эканимдан бир бахтиёр бўлсам, ўғлимнинг юз-кўзидаги мамнумлиқни кўриб, янада хурсанд бўлдим. Унинг болали-

гидан оиласи, ақинлари, дўстларига меҳрибонлиги, мунтазам спорт билан шуғуллангани, қоллежда барча фанлардан аъло баҳога ўқигани ҳарбийлик касбига томон ташланган дастлабки қадамлари, деб биламан. Илоҳим, бу қадамлар ҳаминча бардавом ва мардона бўлсин.

Бадийи жамоалар ва ёш хонандалар ижросидаги Ватан, истиқлол, тинчлик ва ёшлиқни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар кузатиш маросими иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бағишлади.

И. АВВАЛБОВ,
Ўза мухбири.

ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь кунини соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан учрашиб, ушбу тизимни тақомиллаштириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Халқимиз саломатлиги, айниса, ёш авлод келажагига дахлдор бу соҳа Президентнинг доимий эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлаганди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига сафари чоғида қишлоқ врачлик пунктлари ва клиникаларда бўлиб, шифокор ва беморлар билан мулоқот қилмоқда. Бу Президентимизнинг маъзур соҳага – халқимиз саломатлигига доимий эътиборидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасини Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль кунини 5 январьдаги мажлисда белгиланган вазибалар ижроси, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий тиббиёт ўқув юртлиари ректорлари, республика иختисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самардорлиги, раҳбарлар масъулияти ва шахсий жавобгарлиги ҳудудсиз атрофда тўхтади.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, жойларда тиббиёт соҳасидаги вазиятни ўзгартириш ишлари талаб даражасида олиб борилаётми. Буни аҳолидан Халқ қабулхоналари ва Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган кўпгина ариза ва шикоятлар тасдиқлаб турибди.

Бирламчи тиббиёт муассасалари, айниса, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти замон қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Шифохоналар ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, жумладан, ижтимоий дорихоналар ташкил этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, республика иختисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолиятини тақомиллаштириш бўйича сезиларли ишлар кўзга ташланмапти. Соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантириш ишларига етарлича эътибор берилмапти.

Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ҳодимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ врачлик пунктлари жойлашувини қайта кўриб чиқиш, самарасиз ишлаётган пунктларни оптималлаштириш, уларга сарфланаётган маблағларни талаб юқори бўлган ҚВЛларни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқларини поликлиникаларга айлантириш, малакали шифокорларни рағбатлантиришга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишлаши, врач у ерда яшashi учун зарур шароитлар яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўтган йилларда аҳолини тиббий хизмат билан қамраб олиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Лекин одамлар куруқ бинога бормайди, мутахассисга боради. Шу боис қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда энг яхши мутахассислар ишлаши керак. Иختисослаштирилган тиббиёт марказлари, республика ва вилоят шифохоналаридаги малакали врачлар жадал асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда қабул-ўтказиши лозим, деди Президентимиз. Шунда халқимиз тиббий хизматдан рози бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, иختисослаштирилган марказларнинг туман тиббиёт бирилшмалари, бу бирилшмаларнинг қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритилди. Тиббий хизматнинг қайси турлари бепул амалга оширилиши ва қайсиларига пул тўланишини аниқ белгилаш, ҳар бир муассасада кўринарли жойга эзиб қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрда қабул қилинган "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бу мақсулотларнинг нархи анча арзонлашди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар вакиллари иштирокида дори-дармон воситаларининг белгиланган нархларда сотилиши назорат қилиб бориломоқда.

Президентимиз дори-дармон воситалари ноқонуний равишда банд нархда сотилишига йўл қўймастик, халқ манфаатларини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментда "Ишонч телефонлари" ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Бу телефон рақамлари ҳар бир дорихонага осиб қўйилади, телевидение орқали кўрсатилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов, вазирнинг биринчи ўринбосари А. Ҳожибоев, вазир ўринбосари Э. Боситинова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент бошчилиги Э. Дўсанов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ернисов, Тошкент шаҳри, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Фаргона, Бухоро, Жиззах вилоятлари ҳамда Бекobod, Олтинриқ, Вобкент туманлари ҳокимларининг ахборотлари тингланди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев тиббий хизмат самардорлигини янада ошириш, бу борда белгиланган устувор йўналиш ва вазибаларни бекаму-қўст бажариш бўйича мутахассисларга алоҳида топшириқ ва кўрсатмалар берди. Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилиш тиббиёт соҳасини янада тақомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини замон талаблари даражасига кўтариш ишлари тизимли равишда олиб борилиши ва қатъий назоратда эканлигини кўрсатди.

Вилоят бўйлаб

Кун тартибида – тўй...

Пискент тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган давра суҳбати тўй-ҳашамлар, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ортиқча сарф-харажатларсиз, ихчам ҳамда тартибли ўтказиш масаласига бағишланди.

Унда хотин-қизлар кўмитаси, худуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда миллий урф-одатларимизга мос бўлмаган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли томоша ва маросимларнинг олдини олиш, тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш ва ортиқча сарф-харажатларга, дабдабаозлик, ичкилик-бозлик, тартиббузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик, шунингдек, тўйхоналар фаолиятини белгилаган қонунқоидаларга амал қилган ҳолда ташкил этишда раҳбар-

ларнинг масъулиятини ошириш масалалари атрофида муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари кун тартибидаги масалаларнинг гоятда долзарб эканлигини таъкидлаб, ҳар бир маҳалла ва аҳоли яшаш манзилларида тўй ўтказётган оилалар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борадаги ишларни ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ўзларнинг тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВ ЗАВҚИ

Бўка туманида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият" лойиҳаси доирасида депутатларнинг туман ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши ташаббуси билан "Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – бош мақсадимиз" мавзусида ташкил этилган мулоқотда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партиянинг вилоят, "Камолот" ЕИХ туман кенгашлари мутахассислари ҳамда ёшлар иштирок этишди. Тадбирда депутатлар ёшлар билан очик мулоқотга киришиб, уларнинг иши, ўқиши, орзу ва интилизлари билан танишди. Уларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, жумладан, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан амалга оширилаётган ишлар моҳияти тўғрисида ат-

рофлича тушуна берилди. Мулоқот давомида депутатлар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, муаммолари масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатишди.

Худди шундай тадбир партиянинг Олмалик шаҳар кенгаши ташаббуси билан Олмалик иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан ҳам ўтказилди.

Зулайхо Чўлпонова,
партия вилоят кенгаши матбуот котиби.

БИЛИМЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қуйи Чирчиқ туманидаги Дўстобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежидан "Интеллектуал ёшлар – юрт келажиги" шiori остида "Касбим – фахрим" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда худуддаги касб-ҳунар коллежларининг иккинчи ва учинчи босқич ўқувчилари компьютердан фойдаланишда тезлик маҳорати, уйга вазифа ва сардорлар баҳси каби шартлар бўйича ўзаро беллашувди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий ва шисий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди танлов иштирокчиси Саодат Тўлаева. – Бугунги танлов шартлари доирасида устозларимиздан олган билимларимизни синовдан ўтказдик. Ўз навбатида, ёшлар масаласи бўйича давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам керакли маълумотларга эга бўлдик.

ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

Вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларида ота-оналар билан мулоқот хонаси ташкил этилди.

Бундай мулоқот ёш авлод тарбиясига доир барча ишларни, яъни таълим ва тарбия соҳасини узвийликда олиб бориш имкониятини кенгайтирди.

Янгийўл туманидаги 68-умумтаълим мактабидан ташкил этилган ота-оналар билан мулоқот хонаси бугун гавжум. Боиси, туман халқ таълими мутасаддилари, мактаб маъмурияти ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликда жорий йил давомида биргаликда амалга оширилаётган ишлар режаси муҳокама қилинди. Таклиф ва мулоҳазалар асосида бундай мулоқотни мунтазам йўлга қўйишга келишиб олинди.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Пойтахтимиздаги "Олой" дехқон бозорида ўтказилган ярмаркада мамлакатимизда етиштирилган барча турдаги ҳўл ва қуртилган мева-сабзавотлар, полиз экинлари, узум ва дуккакли маҳсулотлар кенг намоиш этилди.

Ҳамкорлик



"Ўзбекизоқовқатхўлдин" компанияси, "Ўзгрозспорт" акциядорлик жамияти, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа идоралар иштирок этган ушбу ярмаркада аҳоли кенг қатлами, тадбиркор ва фермерлар, қайта ишлаш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Мазкур ярмаркада мамлакатимизда меҳмон бўлган Россия Федерациясининг Новосибирск вилоят губернатори Владимир Городецкий бошчилигидаги делегация аъзолари ҳам таширф буюрди. Айтиш жоизки, меҳмонларда серкўёш юртимиз, хусусан, вилоятимизда етиштирилган

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси катта таассурот қолдирди. Вилоят ҳокими Шукурullo Бобоев меҳмонларга вилоятимизнинг

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш салоҳияти, бу соҳада амалга оширилаётган янги дастурлар хусусида батафсил сўзлаб берди.

Маълумки, вилоятимиз далаларида пишиб етилган мева-чевалар ўзининг сифати ва таъми билан ажрлиб туради, ички ва ташқи бозорда харидорлар. Тадбир иштирокчилари, хусусан, россияликлар Қибрай помидор ва бодринги, Бўстонлиқ олма, Паркент узуми каби ноз-неъматларимизга катта қизиқиш билдиришди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, тармоққа сармоя киритиш бўйича истиқболли келишувларга эришилди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

□ Бу ҳақда "Ҳокимлик соати"да гапирилган эди...

КИМ БЕРАДИ-Ё «ТЕРМИНАЛ»НИ-Ё...

Бозор... У нафақат шарқона савдо маркази, балки ўша халқнинг маънавий дунёси, маданий ҳаёт тарзи, инсоний сифатларининг ҳаққоний кўзгуси ҳамдир. Бу манзилда одамларнинг фикрлаши, ўзаро муносабати борича, яққол сезилади. Умуман, бозорнинг "об-ҳаво"си наинки моддий бойлигун озик-овқат маҳсулотларининг, қолаверса, айни бир пайтда халқ қалбидининг ҳам ўзига-ҳос, барометридир. Яратганга мингданминг шукрлар бўлсинки, бугунги кунда бозорларимиз тўкин-сонин, файзли. Бозор орасисидан ҳар қадамда ўнлаб савдогарлар пешвоз чиқиб, анвойи маҳсулотларини таклиф қиладилар. Булар орасида энг сарҳили, пишиқ-пуктаси, албатта, ўзимизнинг маҳсулотлар – буларни кўриб баҳридилганингиз қанча-

Жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиб, аҳолига қулайлик яратиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланган. Бирок, баъзида оддий ҳолатлар, биргина ходимнинг ишга масъулиятсизлиги фуқароларга нақадар кийинчилик туғдираётгани ҳайратингизни оширади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги дехқон ва буюм бозорида банк пластик карточкаларига савдо қилинмаётгани, бозор худудидан, унга ёндош жойларда тартибсизликлар юзга келгани ҳақида ўтган йил поёнида хатлар олгандик. Бозорни ўз кўзимиз билан кўргач, бу ердаги аҳволдан очиги ҳайрон қолдик. Бозорнинг асосий кириш дарвозаси маҳкам ёпилган, фақат кичкина эшик очик. Дарвозага эса

ўзбек тилини исталган шаклда таққирловчи матнлар – шахсий тижорий эълонлар ёпиштирилган. Дарвозадан ичкарига ҳатлашингиз ҳамано кириш йўлагини "ишгол қилган" ёймачи-савдогарларга кўзингиз тушади.

Оддий рўзгор буюмлари, кийим-кечаклар савдоси билан шугулланмаётган яққа тартибдаги тадбиркор Қахрамон Исроиловни суҳбатга тортамыз. Аммо,

мухбир эканимизни билгач, жуфтаникни ростлаган, анча вақтдан кейин пайдо бўлган бу йигитнинг айтишича, бозор раҳбарлари, солиқчи унга бу жойда савдо қилишни ман этишмаган эмис.

Ҳўш, бозорнинг асосий дарвозаси берк бўлса, туман марказидаги энг катта савдосотик масканга аҳоли қаердан кириб-чиқаяпти? Суратларда кўриб турганингиздек, аҳоли

бозорга ёндош кўчадан тиқилинч пайдо қилганча, кириб-чиқади, натижада кўчада тартибсизлик, қанча одамлар асабийлашган...

Шу ва шу каби масалалар бўйича "Ўрта Чирчиқ дехқон бозори" МЧЖ директори Музаффар Назаровдан ҳам тайинли жавоб ололмадик. Музаффар Назаров жahl билан бозор дарвозаларига ёпиштирилган эълон-

ларни ўз қўллари билан кўчириб ола бошлаганда, у кишини холи қолдирди, кузатуви давом эттирдик...

Бозор худудидан айланаб юрар эканмиз, бу ерда терминал йўқлигидан хунто бўлиб чиқаятган ўқувчи Зулайхо Курбоновага дуч келамиз. Нега, деган савол туғилади. Наҳотки, банк терминаллари ноёб бўлса? Шу тарзда мавжуд ҳолатни ўр-

ганишга киришамиз. Дастлаб, 42-дўконда савдо қилаётган тадбиркор Азиз Ураловдан нега пластик карточкалар орқали савдо қилинмаётганига изох сўраймиз. Бирок, биз билан суҳбатда бўлган Азиз ва у каби тадбиркорлар бу вазият учун акциядорлик тижорат Халқ банки туман филиалини рўқач қилиб, қўлимизга ариза тутқазмади. Аризаларда эса шундай сўзлар ёзилган эди:

Шунақа қаралганимизни кўриш...


Этибор беринг, ариза 28 апрелда банк келиб тушган. Ўтган мuddат давомида эса на банк ходимлари ва на солиқчи бу масалага қайтмишган. Худди шу тарз аризаларнинг нусхаси Зеби Умирбоева, Мафтун Исроилова, Қахрамон Исроилов каби тадбиркорларнинг ҳам архивинда ёнб босиб ётибди. Улар банкдан келажак терминалларнинг йўлини поймаб, ҳафталар, ойларни ўтказишганда, акциядорлик тижорат Халқ банки ўрта Чир-

чиқ тумани филиали мутасаддилар нима иш билан банд экан?

Хуллас, шу ўйда филиалга йўл олдик. Раҳбар Шерзод Бобоқулов вазиятга таажублангандек муносабат билдириб, ҳозир биргаликда бозорга бориб, масалага аниқлик киритишимизни айтди. Хурсанд бўлганча бозорнинг асосий дарвозаси худудига бориб, банк раҳбарларини кута бошладик. Кутдик, кутавердик... Орадани қарийб икки соат ўтгачина, улар келишди. Қачонки, биз акциядорлик тижорат Халқ банки республика бошқарувининг матбуот хизмати раҳбари Бобур Элмуродов билан боғланиб, вазиятни тушунтирганимиздан кейингина, раҳбар ва унинг ўринбосари истар-истама савдо худудига келиб, биз билан учрашдилар. Биргаликда тадбиркорлар ҳузурига бордик. Ажабки, банк раҳбарларининг бу тарз "очик мулоқоти" салкам даҳанаки жанжалга айланаб кетди. Тадбиркорлар қарийб бир йил, баъзилари эса икки йилдан бери терминал ололмаётгани учун филиал раҳбарини турфа саволларга кўмиб ташлашди.

Ана шунақа гаплар... Ушбу вазият юзасидан бозор маъмуриятининг, банк мутасаддиларидан жавоб кутамиз...

Беход ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Реклама ва эълонлар

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Тошкент вилояти: I. Бекобод тумани СИБ томонидан 1201/02-сонли ижро ишига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин ф/ў, 1-бўлимида жойлашган, Далварзин савдо плюс" ХКга тегишли, қурилиш ости ер майдони 247,05 кв.м.ли, фойдаланилмаётган АЕКШ бино ва иншоотлари, бошлангич баҳоси - 93 924 170 сўм. II. Бекобод шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ тумани судининг 22.10.2013 йилдаги 1-244-2014-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 80-даҳа, 22-ўйда жойлашган, умумий майдони 30,86 кв.м., яшаш хонаси 19,26 кв.м., махсус хона 11,60 кв.м.дан иборат 27-хонадон, бошлангич баҳоси - 26 979 477 сўм; III. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 16.10.2015 йилдаги ЖХС-183/15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалок ҚФЙда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,26 Га., умумий фойдаланиш майдони 140,65 кв.м. бўлган, "Чойхона" биноси аукцион савдоларига қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 93 087 893 сўм.

Аукцион савдосига 2017 йил 13 март куни соат 12,00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10,00 дан 16,00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охириг мuddати: 2017 йил 10 март соат 16,00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТВ "Илак йўли" Миробод филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совук, кундузи 7-9 даража илик бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совук, кундузи 4-9 даража илик бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор қўчиши ҳавфи бор. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совук, кундузи 0-5 даража илик бўлади.

"REAL AUCTION" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйдаги автотранспорт воситалари: Тошкент вилояти: I. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан: 1. Ўрта Чирчиқ тумани, Корасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, 2005 йилда и/ч., дав/рак. 01B742RA, бошлангич баҳоси - 20 752 760,88 сўм бўлган, "Матиз" русумли; 2. Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ манзилида сақланаётган, 1988 йилда и/ч., дав/рак. 10A516DA, бошлангич баҳоси - 321 720,09 сўм бўлган, "УАЗ3469S" русумли; II. Қибрай тумани СИБ томонидан: "Интер Роҳат" ҚҚ омборида сақланаётган, бошлангич баҳоси - 51 723 261 сўм бўлган, 80 400 дона 18 W ва 2 300 дона 36 W бўлган, TL-D русумли лампалар; III. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 332-сонли ижро варақасига асосан, "Сергеи Авто Бозори" МЧЖда сақланаётган, 2013 йилда и/ч., дав/рак. 01/818LDA, бошлангич баҳоси - 26 498 312 сўм бўлган, "Спарк" русумли; IV. Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 20.01.2017 йилдаги 383-сонли ижро варақасига асосан, "Бекобод АТС" ҳовлисидан сақланаётган, 1983 йил-

да и/ч., дав/рак. 10/118HAA, бошлангич баҳоси - 3 205 000 сўм бўлган, "Маз-500" русумли; V. Ангрен шаҳар СИБ томонидан: 253/10-10871/10-сонли ижро ишига асосан, Ангрен шаҳар "Нурчи" маҳалласидаги кўмир сақлаш омборида сақланаётган, и/ч., йили номаълум, дав/рак. 67-18 ЕЛ, бошлангич баҳоси - 344 370 082 сўм бўлган, "Doosan" русумли экскаватор; VI. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан: 17.03.2014 йилда 11-1402/1251-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ЙХБда сақланаётган; и/ч., йили номаълум дав/рак: 10/297EAA, бошлангич баҳоси - 18 572 000 сўм бўлган, "Газ-31105" русумли; VII. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХБда сақланаётган: I. 858-сонли ижро ишига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рак. 01C965TA, бошлангич баҳоси - 15 046 034 сўм бўлган, "Ваз-2107" русумли; II. 4200-сонли аризасига асосан: 1. 1972 йилда и/ч., дав/рак. 01S938KA, бошлангич баҳоси - 1 908 344 сўм бўлган, "Ваз-2102" русумли; 2. 1996

йилда и/ч., дав/рак. 10M064BA, бошлангич баҳоси - 2 629 083 сўм бўлган, "Газ-31029" русумли; 3. 1995 йилда и/ч., дав/рак. 10H470AA, бошлангич баҳоси - 9 575 990 сўм бўлган, "Форд-транзит" русумли; 4. 1994 йилда и/ч., дав/рак. 10T344AA, бошлангич баҳоси - 3 694 976 сўм бўлган, "Доган" русумли; 5. 1982 йилда и/ч., дав/рак. 10Z923EA, бошлангич баҳоси - 2 853 123 сўм бўлган, "Ваз-2105" русумли; 6. 1971 йилда и/ч., дав/рак. 10E529KA, бошлангич баҳоси - 625 911 сўм бўлган, "Ваз-2101" русумли; 7. 1990 йилда и/ч., дав/рак. 10H815JA, бошлангич баҳоси - 4 361 688 сўм бўлган, "Газ-2410" русумли; 8. 1990 йилда и/ч., дав/рак. 10F979JA, бошлангич баҳоси - 4 351 741 сўм бўлган, "ГБА СПГ Газ-2410" русумли; 9. 1986 йилда и/ч., дав/рак. 10N091EA, бошлангич баҳоси - 5 864 142 сўм бўлган, "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситалари аукцион савдосига қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2017 йил 10 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10,00 дан 16,00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охириг мuddати: 2017 йил 7 март соат 16,00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТВ "Илак йўли" Миробод филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

Республика "Ўзнасчилик" корхонаси жамоаси корхона директори **Фармон НАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун



Дарвоқе, мумтоз шеърятимиз марказида турган инсон, у ошиқ ёки ориф бўлади...

Эй кўнгул, бир навъ улубмен аҳли даврондин малул Ким, эрурмен кимки андин...

«КАМОЛОТ»ЧИ КИТОБХОН

Президентимизнинг «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида...

Бизга ёзадилар

Лойиҳада иштирок этган ўқувчилар биринчи шартда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан текзор саволларга жавоб бердилар...

Обтабк ИСРОИЛОВ, коллеж ўқувчиси.

тўғри тавсифлаш қийин. Зеро, у аҳли даврон феодал-автори ва аҳли давронга холис муносабатдан қайнолган наҳотда эрур...

ро"сидан хабар берганда, ҳажр калимасининг диний-тасаввуфий мазмунига ургу берган: Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсон мени...

субтисизлик ва ялтоқланишдан муҳофаза этади. Инсон ўз ахлоқига, зоҳирдан этадиган бало ва офатларга сокин нигоҳ ила боқадиган бўлади...

дилраболар кўйида, Эй мусулмонлар, бўлбмен кофиристондин малул. Бу фикр наватбадга байтда янада чуқурлаштирилган...

«ТЕНГРИ ХАЛҚ ЭТМИШ МЕНИ ГҮЁ...»

Яқинда бир талаба менга: "Домла, ўтмиш шоирларимиз йиғи ҳақида нега бунча кўп ёзишган? Қайси шоирнинг шеърини ўқиманг, албатта, у ё "Йиғладим" ё "Йиғларман" дейди...

тасаввуф аҳли "дунё каломи", деб билганлар ва бундай сўзларни гапирмаслик, имкон қадар тингламасликка ҳаракат қилганлар...

туғилиши мумкин. Агар ошиқ халқи жонини Азроилга эмас, Оллоҳга таслим этур, худди кўнгул сингари жон ҳам маъшук ҳайронидур...

келган. Ва бирор бир дам осудалик топмагач, гайрихитойи равишда "Тенгри халқ этмиш мени..." деган хулосага тўхталган...

"Муғилон" – муғлар маскани. Муғ – оташпараст демек. Тасаввуфда содиқ мурид, ошиқ мазмунини акс эттиради...

Кўнгул ишқ ила Ҳақ висолига этишур. Шу учун илоҳий ишқда ҳам, мажозий ишқда ҳам кўнгулнинг имкони ва мавқеи юқоридир...

Алишер Навоий ҳам бир қанча шеърларида дин сўзини шу маънода татбиқ қилган. Ошиқнинг "дилраболар кўйида" дин узра титраши, аслида ишқ узра титрашини ифодалайди...

Алишер Навоий ҳам бир қанча шеърларида дин сўзини шу маънода татбиқ қилган. Ошиқнинг "дилраболар кўйида" дин узра титраши, аслида ишқ узра титрашини ифодалайди...

«КАМОЛОТ»ЧИ КИТОБХОН

Президентимизнинг «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида...

Бизга ёзадилар

Лойиҳада иштирок этган ўқувчилар биринчи шартда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан текзор саволларга жавоб бердилар...

Обтабк ИСРОИЛОВ, коллеж ўқувчиси.

Дарвоқе...

Навоийнинг компьютери бўлганми?

Истиклол туғайли аждодларимиз, алломаларимиз даҳоси қайта тикланган тарихимиз ойинасида ёрқин нур соча бошлади...

гизда йўқ, шундайми?! Мактаб, коллеж ўқувчиларининг яқдиллик билан "албатта, ўқиганимиз" дегандек, бош сил қилишлари рағбат берган шoir сўзида давом этди...

лига жим қолишди, кейин бутун зални қарсақлар тугиб кетди. Бу қарсақларда аждодлар зақосидан фахру ифтихор туйғулари зоҳир эди...

қилиб, баъзе ҳайрат изҳор қилдилар. ("Мажолис-ул-нафоис" асаридан.) Демак, Навоий бобомиз китобхонликни жуда эрта, 3-4 ёшидан бошлаган, Фаридиддин Атторнинг чуқур фалсафий асари "Мантӣқ-ут-тайр"ни 4 ёшида қўлдан қўймай ўқир эди...

Хулқ ила олам элини шод қил"моқ учун китобни севиш, мудум мутолаа билан шуғулланиш зарур... Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ТУТУН ГИРДОБИДАГИ «ТУТИНГАНЛАР»

Жиноятга жазо муқаррар

Афсуски, ҳаётда турли жиноятлар, хусусан, бировнинг ҳаётини заҳарлаш ортидан мўмай пул топишга бел болаганлар учраб туради...

Бозорга яқин жойдаги ошоннада "эллик-эллик"

тургандек бу кингирликларга мазаҳарқ бўлишдан қайтмайди. Хуллас, Алияр ва Файратга гиёҳванд модда топиб бериш эвазига бир нарсали бўлишни режалаштирган Умар Тожикистонда яшовчи танишларига кўнғироқ қилади...



Мохият

"Урмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимизнинг душманидир". Цицерон

Хайвонларнинг инсондан фарқи шундаки, арслон кўрқоқлиги учун бошқа арслоннинг, от эса ўзга айғирнинг қулига айланмайди. Мишель Монтень

Table with contact information for 'Тошкент ҳақиқати' newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription rates.